ДСП б 914604

**Ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича**

**Shartnoma№ 2**

бугун. 21.01.2022

***Жиззах шаҳри***
**(shartnoma tuzish joyi)**

**2022 yil 14 yanvar**
**(shartnoma tuzish sanasi)**

"QALIYA TEXNIK XIZMAT" MChJ (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **DAVRONOV SARDOR MUXTOR O'G'LI**, bir tomondan, va OOO "JIZZAX SUV TA'MINOTI" (bundan buyon – "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **MAMARASULOV ZAKIR SHUKUROVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraf" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУММАСИ

**Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:**

**Shartnomaning umumiy miqdori Uch million to'rt yuz ming so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).**

| № | Tovar nomi (xizmat) | Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi | Tovar/xizmat shtrix kodi | O'lchov birligi | Miqdori | Narx | Yetkazish bahosi | QQS | | Yetkazish bahosi QQS bilan |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | stavka | summa | |
| 1 | Ремонт Глубиновый насос 11 кВт 3000 оборот/минут | 11301999001000000 – Машиналар, мосламалар, иншоотлар ва ускуналарни диагностика қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизмати | | so'm | 1,00 | 3 400 000,00 | 3 400 000,00 | | QQS siz | 3 400 000,00 |

1.1. «Бажарувчи», «Буюртмачи»га ушбу шартномага илова қилинган ҳужжат бўйича ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни ўз зиммасига олади. "Буюртмачи" эса бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган тартибда ва миқдорда 100 % пул кўчириш йўли билан ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. 1.2.Ушбу шартноманинг умумий суммаси ҚҚСсиз 3.400.000 (уч миллион тўрт юз минг) сум 00 тийин.

## 2. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Буюртмачи» бажариладиган иш, кўрсатиладиган хизмат учун белгиланган сумманинг 85 % миқдорида олдиндан тўловни пул кўчириш йўли билан амалга оширади. 2.2. «Буюртмачи» томонидан қолган 15% тўлов «Бажарувчи» томонидан иш, хизматлар кўрсатилиб, ҳисобварақ фактуралар тақдим қилиниб, бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тўлаб берилади.

## 3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТИ

3.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг иш, хизматларни белгиланган муддат ичида «Буюртмачи»га кўрсатиши шарт. 3.2. Ушбу шартномага асосан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати 20 иш куни.

## 4. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

4.1. Кўрсатилётган иш, хизматлар шу турдаги хизматларга қўйиладиган барча талабларга, белгиланган сифат стандартларга, хизмат кўрсатишни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларга ва «Буюртмачи»нинг талабларига мос келиши шарт. 4.2. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун кафолат муддати тегишли тартибда ҳисобварақ фактуралар хамда бажарилган ишлар далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 15 кун.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: - Шартноманинг 1.2-бандида назарда тутилган ҳақни 2.1.,2.2-бандларига риоя этган ҳолда тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга; - Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га бажарилган иш, хизматларни кўрсатишга мажбур; - Кўрсатилаётган иш, хизматнинг тегишли даражада бажарилмаганлиги ҳақида билдиришнома олганидан кейин, хизмат сифатини талаб қилинган даражада қайта амалга ошириш ёки ушбу шарноманинг 2.1-бандига асосан кўрсатилган хизмат бахосини кайтариб бериши шарт. - «Бажарувчи» кўрсатилган хизматни хисобварақ фактураларда тулик ва аник номини, миқдори ва хажмини, категориясини ва бошка курсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисобварақ фактураларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштиришга мажбур. 5.2. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: - «Бажарувчи»дан шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган иш, хизматларни белгиланган тартибда сифатли кўрсатишини талаб қилиш; - Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ҳақни 2.1.,2.2-банд талабларига риоя этган ҳолда тўлашга мажбур; - «Бажарувчи» томонидан лозим даражада сифатли бўлмаган иш, хизматлар кўрсатилганда, тегишли тартибда далолатнома тузилиб бу ҳақида «Бажарувчи»ни огоҳлантириш ва тегишли сифатдаги иш, хизмат кўрсатилишини талаб қилиш ёки шартноманинг 2.2-бандида кўрсатиб ўтилган ҳақни қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. - Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда кўрсатилмаган иш, хизматлар учун хисобварақ фактуралар буйича тўловлар амалга оширилишига йул куйилмайди.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва амалдаги ушбу мавзуни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади. 6.2. «Бажарувчи» ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. 6.3. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Буюртмачи» бажарилган ишларни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Бажарувчи»дан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар бажарилган ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Бажарилган ишлар сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима «Бажарувчи»дан акцептсиз тартибда ундириб олинади. 6.4. «Буюртмачи» бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Бажарувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди. 6.5. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. 6.6. Шартномага асосан ҳар бир иш, хизмат учун ҳисоб-китоб ушбу шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизмат нархлари белгиланган «Нархлар жадвали»га асосан амалга оширилади. 6.7. Шартномага илова қилинган «Нархлар жадвали» унинг ажралмас қисми бўлиб, ушбу шартномасиз ҳеч қандай юридик (қонуний) кучга эга эмас. 6.8. Шартномага асосан иш, хизматларнинг нархларини пасайтирилиши ёки оширилиши «Буюртмачи» ва «Бажарувчи»нинг ўзаро ёзма келишувига асосан, шартномага илова қилинган «Нархлар жадвали»га ўзгартириш киритиш юзасидан қўшимча битим имзоланиши орқали амалга оширилади. 6.9. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида кўрсатилган хизматлар нархи

юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Бажарувчи» томонидан қопланади.

### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, тарафлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. 7.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади. 7.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

### 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани ижро этиш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда вужудга келадиган низолар энг аввало тарафларнинг ўзаро келишуви билан ҳал килинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда ушбу низолар Жиззах таманлараро иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартнома билан тартибга солинмаган бошқа муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади. 9.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб юридик кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амалда бўлади. 9.3. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, бир ҳил юридик кучга эга. Бир тарафлама шартномани ўзгартиришга йўл қўйилмайди ва бу қонуний кучга эга эмас деб ҳисобланади. Ўзгартириш киритишда албатта иккинчи томоннинг розилиги олиниши шарт. 9.4. Бир томон бошқа томонни ёзма розилигисиз шартномада белгиланган ишларни учинчи томонга топширишга ҳақли эмас.

### 10. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

| IJROCHI | BUYURTMACHI |
|---|---|
| **Nomi: "QALIYA TEXNIK XIZMAT" MChJ** | **Nomi: ООО "JIZZAX SUV TA'MINOTI"** |
| **Manzili: QALIYA MAHALLASI, URINBOYEV KO`CHA , 17 UY** | **Manzili: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 115 уй** |
| **Tel.: +998933049963** | **Tel.: 72-226-07-47** |
| **Faks:** | **Faks:** |
| **STIR: 305274344** | **STIR: 200345016** |
| **OKED: 33140** | **OKED: 90290** |
| **H/R: 20208000600838361001** | **H/R: 20208000300304533001** |
| **Bank: ЖИЗЗАХ Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ** | **Bank: ЖИЗЗАХ Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ** |
| **MFO: 00122** | **MFO: 00122** |

| №2004460971 14.01.2022 13:25:55 | №2006491479 15.01.2022 09:06:41 |
|---|---|
| YUBORILGAN | TASDIQLANGAN |
| DAVRONOV SARDOR MUXTOR O'G'LI | MAMARASULOV ZAKIR SHUKUROVICH |
| operator: soliqservis.uz | |